



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (12.567)

Баҳоси эркин нарҳда

14 январь — Ватан
ҳимоячилари куни

ПОЙТАХТНИНГ БИР
КУНИ



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — УЛКАН ҲАЁТ МАКТАБИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида ЎЗА муҳбири ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишлаган ҳамюртларимиз ва уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашди.

Максуд Тўраев, Тошкент Олий умумқўшун кўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғи, подполковник:

— Дунёда касблар кўп. Аммо ҳарбийлик улар орасида энг шарафлисидир. Зеро, Ватан ҳимоячиси нафақат ўзини ва ўз оиласини, балки барча юрдошларини, халқини, мамлакатини ҳимоя қилади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ҳарбий хизматнинг нуфузи, ёшларимизнинг армияга қизиқиши тобора ошмоқда. Ҳарбий хизматта иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқарашли кенг, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар саралаб олинмоқда.

Билим юртимизда миллий армиямиз учун малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда курсантлар ҳарбийлик сир-синоатларини пухта ўрганмоқда, назарий билим ва амалий кўникмаларини оширмоқда.

Мен шундай шарафли иш — Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга ҳисса қўшаётганимдан фараҳланаман.

Бахтиёр ШЕРБЕКОВ, захирадаги аскар:
— 2012 йилда сафарбарлик чақирuvi резерви хизматини ўтадим. Ҳарбий хизматни ўташ чоғида катта сабоқ олдим.

Ватанни ҳимоя қилишни, ҳаётнинг қадрига етишни ўргандим. Ижтимоий-сиёсий билимим ошди, дунёқарашим кенгайди. Спорт билан шуғулланиб, саломатлигимни янада мустаҳкамладим. Ҳарбийда орттирган тажрибам, чиқарган сабоқларим бир умрга татийди. Бундай шарафга мамлакатимизда минглаб, юз минглаб йигитлар эришмоқда. Биз, ёшлар яратилаётган ана шундай кенг имконият ва шароитнинг қадрига етмоғимиз, улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим.

Фарангиз ҒУЛОМОВА, шифокор:
— Турмуш ўртоғим — ҳарбий. Мен бундан жудааям фараҳланаман. Ҳарбий масъулият фаолиятида у кишини доим қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан.

Ватан ҳимоячилари куни ҳар йили оиламизда катта қувонч билан нишонланади. Шу куни мен ва фарзандларим турмуш ўртоғимни мазкур айём билан самимий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан.

Жаҳонгир АЗИЗБЕКОВ, тадбиркор:
— Тўнғич ўғлим муддатли ҳарбий хизматни, иккинчиси эса сафарбарлик чақирuvi резерви хизматини ўтаган. Кичик ўғилларим ҳам акалари сингари армияга боришни истайди. Чунки ҳарбий хизмат йигит кишини мард, шижоаткор, сабр-тоқатли ва, энг асосийси, эл-юрт

равнақига қамарбаста инсон қилиб тарбиялайди.

Илгари ўзбек йигитлари олис ўлкаларга юборилар эди. Ўзим ҳам узок Сибирда ҳарбий хизматда бўлганман. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, миллий армиямиз шакллантирилди. Фарзандларимиз ҳарбий хизматни ўз Ватанида ўтамоқда. Жисмоний ва маънавий камол топиб, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамлалишига хизмат қилмоқда.

Шаҳбоз ЭРҒАШЕВ, курсант:
— Офицер бўлиш — болалик орзуим. Орзуимга етмоқдаман — Тошкент Олий умумқўшун кўмондонлик билим юртига ўқишга кирдим. Ҳозир бу ерда ҳарбий ихтисосликларни пухта ўрганилман.

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунининг кенг нишонланиши ҳарбийларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Билим юртимизда ҳам ушбу байрам катта тантана билан нишонланади. Мен ҳам ана шундай шарафли ва масъулиятли касбни танлаганимдан фараҳланаман. Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан.

Ирода **УМАРОВА**
ёзиб олди.

АМЕРИКАЛИК ОЛИМ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ҲАҚИДА

«Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти глобал инқирозлар бўлишига қарамасдан мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда муваффақиятларга эришиши мумкинлигини намойиш этмоқда». Нью-Йорк Давлат университетининг профессори, «Глобал илмий тўпламлар» нашрининг директори (АҚШ) **Парвиз Морвиж** шундай баёнот берди. У «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлари ҳақида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Тараққиётнинг «ўзбек модели»ни чуқур тадқиқ этиш ва унинг асосида тегишли стратегияларни қабул қилиш орқали турли мамлакатлардаги қатор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларнинг ечимини топиш мумкин. Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичлари қисқа муддат мобайнида мамлакат қўлга киритган ютуқларини тасдиғи ҳисобланади.

Демографик ўсиш шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти бошланғич даражадан тўрт баравар ошди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса у 3 баравар ошди. Дунёнинг қўллаб-қувватлаётган фарқли ўлароқ, 2008 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи 8 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган 160 миллиард АҚШ долларидан зиёд сармоянинг 56 миллиарди хорижликларга тегишлидир. 2013 йили капитал қўйилмаларнинг ҳажми 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти тизимида саноат ҳиссасининг ортиши ва унда қишлоқ хўжалиғи улушининг пасайиши ҳам диққатга сазовордир.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор, яъни мамлакат ёшларининг билим даражасини юксалтиришга бўлган интилиш Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг кадр-қимматини белгилайдиган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу ёш авлод келажақда ўзбек халқининг бутун дунёга машҳур аждодлари сингари жаҳон тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА
Нью-Йорк



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни олдидан Самарқанд шаҳрида аскарларнинг оналари билан учрашуви ўтказилди. Тадбир Регистон майдонида бошланди. Жиззах, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан таклиф этилган оналар мазкур мажмуа ва унинг атрофидаги хиббонни томоша қилиб, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Шундан сўнг оналар шу ерда аскар фарзандлари билан учрашди.

• Фарғона шаҳридаги Офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб аскар оналарини шарафлаймиз мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда аскарлар томонидан тайёрланган дастур, вилоят бадий жамоалари ва танikli санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

• Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги фармойишига асосан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида Андижон ва Самарқанд вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг оналари иштирокида видеомулоқот ўтказилди.

• Урганч шаҳрида ёш авлод тарбиясида экологик таълим-тарбиянинг ўрни мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Хоразм вилояти ҳудудий бўлинимаси томонидан ташкил этилган тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари, Урганч шаҳридаги умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари педагоглари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Германиянинг «Альди» супермаркетлар тармоғига қарашли бешта савдо мажмуасига катта миқдорда кокаин гиёҳворлик моддаси олиб келинди. Супермаркетларга келтирилган банан солинган қутилар ичидан 140 килограмм оғирликдаги гиёҳворлик моддаси чиққан. Умумий қиймати беш миллион еврога тенг бўлган «заҳри қотил» «Альди» дўконларига қандай келиб қолгани ҳақида маълумотлар йўқ.

• Жорий йил Хитойда илк бор хусусий банклар фаолияти йўлга қўйилади. Бу ҳақда расмий Пекин эълон қилди. Бунгача Хитойда банклар хусусийлаштирилмаган эди. Мавжуд молия муассасалари давлатга ёки акциядорларга тегишли ҳисобланарди. Аммо ўтган йилнинг охирида мамлакат иқтисодиёт тизимида бир қатор ислохотлар ўтказилиши билдирилиб, бу жараёнда хусусий банклар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган маълум қилинди.

• Европанинг Атлантика океани соҳилларига яқин давлатларида сув тошқинлари юз бериш хавфи тобора ортмоқда. Хусусан, Франциянинг саккизта департаментида ана шундай мураккаб вазият кузатиляпти. Бу ерда табиий офат оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмиб, уч киши тан жароҳати олди. Соҳилдаги дам олиш масканларига жиддий зарар етди. Испанияда табиий офат туфайли уч кишининг бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда депутатлар, тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар масъул ходимлари, олимлар, тадбиркорлар, фермерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида қишлоқ хўжалиғи соҳаси ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида аграр соҳани ислох этиш ва ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Бу йўналишда йигирмага яқин қонун, икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Жумладан, Ер кодекси, «Фермер хўжалиғи тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиғи тўғрисида»ги каби қатор қонунлар қишлоқ хўжалиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ва аграр соҳани ривожлантириш истиқболларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

субъектларининг фаолиятини тартибга солиш, давлат, тайёрлов ташиқлотлари ва бошқа хизмат кўрсатувчилар билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Соҳадаги кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида фермерлик ҳаракати ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги жами шудгорланадиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиғи маҳсу-

лотларининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиғида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқда саноатни ривожлантириш ва маҳсулотни қайта ишлашни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш борасида қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ҳаётга самарали жорий этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташилотининг

Тошкент бирлашган техника мактабида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги 213-умумтаълим мактабида

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг футбол тури бўйича 5-9-синф ўқувчилари ўртасида мусобақа ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Бектемир туманидаги Қуов-механика заво-

дида Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

БАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Олмазор туманидаги «Нихол» маҳалла фуқаролар йиғинида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллигига бағишлайди «Мардлар қўриқлайди Ватанини» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Олмазор тумани бўлими раиси А.Ходжаев, Маънавият тарбиёт маркази туман бўлими раҳбари М.Алибоева ва бошқалар Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг олий бурчи ҳамда буюк шарафлигини, ҳозирги кунда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, Ватанимизни ҳимоя қилаётган аскар-ўғлонларимиз бугун ўз юксак ақл-заковати, мустаҳкам иродаси, халқимизга бўлган садоқатини намойиш этишганлигини, илҳом, теъкор, ҳар қандай топшириқни шараф билан удралайдиган армияни шакллантиришдан қўзғалган бош мақсад — халқимизнинг тинч ҳаётини сақлаш эканлигини таъкидлашди.

Олмазор тумани Мудофаа бўлими бошлиғи, подполковник К.Саидов барчани яқинлашиб келаётган байрам билан табриклагани ҳолда, ҳарбийлик ҳаёти тўғрисида, миллий армиямизда яратилган шарт-шароитлар ҳусусида тўхталди. Ўғиллари юрт олдидаги ўз бурчини ўтаётган ота-оналарга Ватан ҳимоячиларини улғайтирилганликларини учун ташаккур билдириб, ҳарбий хизмат энг эзгу ва улуг касб эканлигини эслатиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган қаҳрирув ёшидаги ўсмирлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. «Нихол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Иноғамов йиғилганларни яна бир бор байрам билан табриклаб, уларга меҳр-оқибат ва хайрли фазилатлар йўлдош бўлишни тилади. Юқорида билдирилган фикр ва тақлифлардан келиб чиқиб маҳалладаги ёшларнинг ҳарбий хизматга иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқараш кенг бўлиб тарбияланишлари учун спорт мажмуаларига жалб этишга эътибор қаратишга келишиб олинди. Шу билан бирга ёш авлодда Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини янада кучайтириш мақсадида шундай давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб туриш лозимлиги қайд этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоялаш жараёнлари янги bosқичга кўтарилди. Бу борадаги вазифаларни изчил давом эттириш, пировардида, Президентимиз таъкидлаганидек, «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб бормани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига bosқичма-bosқич ўтказиб бориш зарур».

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда миллий ва умумбашарий анъаналарга мос келадиган демократик тамойиллар шаклланди, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга қодир малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий модели яратилди ҳамда у бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Мустақилликка эришганимиздан буён ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Барча саъй-ҳаракатлар, интилишлар, ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилмоқда. Олдимизда турган улкан мақсадларга эришишимиз янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Ана шу йўлда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим тарбияси, маънавий камолоти билан боғлиқ ислохотлар bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда.

Катта ҳаётга қадам қўётган ҳар бир йигит-қиз мамлакатимизнинг келажиги, ҳаётимизнинг давомчиларидир. Уларнинг дунёқарашини қандай шаклланиши, касб-хунар маҳоратлари, миллат ва жамият олдидаги масъулиятларини нечоғли ҳис этишлари бугунги таълим-тарбияга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ.

Тарбия борасида бирор кун ҳам бефарқ бўлмаслигимиз керак. Шу боис ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш фақат ўқув юртлари педагог-мураббийларининг эмас, балки бутун жамиятнинг, оила ва маҳалланинг, ёшлар уюмларининг, сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат васийлик ташкилотларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Юртимизда қисқа муддатда барча ёшларни касб-хунар таълимига жалб қилишга эришилди. Хусусан, 2013 йилда республика бўйича 1391 та

касб-хунар коллежларини 501149 нафар ёшлар битириб чиқдилар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бугунги bosқичида асосий эътибор таълим муассасалари битирувчилари сифатини ошириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кенг жамоатчилик, айниқса турғун фаолият кўрсатаётган

Депутат: бурч ва масъулият

ИСЛОХОТЛАР BOSҚИЧМА-BOSҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

корхона ва ташкилотларнинг иштироки таъминланмоқда. Мазкур ўқув йилида республика касб-хунар коллежларининг 501149 нафар битирувчилари 133 мингдан ортиқ корхона, ташкилотларга амалиёт ўташ учун бириктирилдилар.

Эътиборлиси шундаки, кейинги йилларда таълим соҳасида Ижтимоий шерикликни ривожлантириш мамлакатимиздаги устувор вазифалардан бирига айланди. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари жамоатчилик bosқарувининг самарали тизимини янада ривожлантириш, таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан касб-хунар коллежларининг васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳам фикримиз исботидир.

Мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши касб-хунар коллежларида жамоат bosқаруви механизмларининг янада ривожланишини таъминлаш билан бирга таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, битирувчилар бандлигини таъминлашда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга, ёшларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Қарор асосида бугунги кунда барча касб-хунар

колежларининг Васийлик кенгашлари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилмоқда. Васийлик кенгашларининг касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлашга, уларнинг бинолари ва худудини ободонлаштиришга, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кейинчалик «коллеж-корхона» боғламасида ишга жойлаштириш масалалари бўйича самарали ҳамкорлик қилишлари ҳамда қарор қабул қилинган. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, «Дойче

кабель» ҚК, «Махсусэнергогаз» ОАЖ, «Нефть таъминот» МЧЖ, «Энергометаллмекс» корхоналари билан 2012 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу алоқалар ўз самарасини бериб, 2013 йилда Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежини Тошкент шаҳридан битирувчиларнинг 365 нафарини ишга жойлаштириш бора-сида «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси билан ҳамкорлик асосида М.Улугбек тумани ҳокимлиги ва юқоридаги васийлик корхоналари билан биргаликда 311 нафар битирувчиларнинг бандлиги таъминланди.

Васийлик кенгашлари негизда таълим соҳасида ижтимоий шерикликнинг таъсирчан механизмлари, касб-хунар коллежларининг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликлари мустаҳкамланиб бормоқда. Хулоса қилиб айтганда, Васийлик кенгашларининг самарали фаолияти ҳозирги кунга қадар касб-хунар коллежларида сифатли кичик мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда эришган ютуқ ва марраларимизни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Пўлат Йўлдошев,
Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг маърузасида барча жабҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг қамровли вазифалар белгилангани таъкидланди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда аграр соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатимиздаги кўплаб жамоат тузилмалари қатори фермерлар кенгашларининг ролини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигига янги агротехнологияларни жорий этиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги техникаси паркинни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажминини ошириш, сифатини янада яхшилаш, қишлоқда саноатни ривожлантириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида аграр соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, бу жараёнда депутатлар, олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигини кучайтириш, қишлоқ ҳўжалигига ижара муносабатларини, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, агросаноатни ривожлантириш борасида истиқболдаги вазифалар ҳусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида ўтказилган «Соғлом авлод — соғлом миллат» мавзусидаги тадбирда юзга яқин тиббиёт ходимлари иштирок этди.

— Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши шифокорларнинг зиммасига янада катта масъулият юклади, — дейди шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси бош шифокори Алишер Саатов. — Юздан ортиқ шифокорлар ва уч юздан зиёд ҳамширалар фаолият кўрсатадиган муассасамизда беморларнинг соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Инсонлар саломатлигини янада яхшилаш, мустаҳкамлаш, турли касалликлардан ҳимоялаш, тез ва сифатли даволаш, аниқ ташхис қўйиш каби вазифалар биз шифокорларнинг зиммамиздаги долзарб вазифадир. Тиббиёт муассасасида замон талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар мавжуд. Бундай тадбирларни ўтказиб туришимиздан мақсад эса, йил давомида олиб борган ишларимизни сарҳисоб қилиш, хато ва камчиликларни вақтида бартараф этиш ва уларга қайта йўл қўймаслик, шу билан бирга жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишларимизни яна бир бор режалаштириб олишдан иборатдир.

Тадбирда Муқаддас Саидқарова, Эрмуҳаммад Сотволдиев, Назокат Саид-Анварова каби малакали шифокорлар соҳага оид чиқишлар қилдилар.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Яккасарой туманидаги 60-оилавий поликлиникада ўтказилган давра суҳбати эса ёш оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига бағишланди.

Унда маҳалла ва тиббиёт муассасаси ҳамкорлигини янада яхшилаш, қизларни турмушга тайёрлаш, тиббий кўрикни самарали ўтказиш, бўлажак ва ёш оналар соғлигини ҳимоялаш, тиббий назоратни кучайтириш ҳусусида ўзаро фикр алмашилди.

— 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши замирида улкан маъно-мазмун мужассас, — дейди поликлиника бош шифокори Дилором Мамарасуллова. — Зеро, болалар саломатлигини асрашда муҳимроқ ишнинг ўзи йўқ. Келажакимиз устунлари бўлиши ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши жамиятимиз фаровонлиги ва хотиржамлигини таъминлайди.

Тадбирда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалалар, болажонларни тиббий кўриқдан ўтказиб бориш, фертил ёшдаги аёллар соғлиғига эътибор қаратиш, маҳаллалардаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган хонадонларда истикомат қилувчи фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ва унинг сифати ҳақида сўз борди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Бугунги кунда Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларида олиб борилаётган ислохотлар тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнини изчил давом эттиришга қаратилган. Асосий мақсад реал секторни ривожлантириш, республикамизда ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш ҳамда инфратузилмани шакллантиришдир.

ОАИТ «ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИНИНГ КРЕДИТЛАРИ

кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда

Бунда барча мутасадди ташкилотлар ва муассасаларнинг асосий эътибори ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, маҳаллийлаштирилган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини кучайтиришга йўналтирилган.

ОАИТ «Ипак йўли» банкининг кредит ва инвестиция фаолиятида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш, реал секторни барқарорлаштиришни қўллаб-қувватлаш ўз аксини топган.

Хусусан, 2013 йил давомида ОАИТ «Ипак йўли» банки томонидан давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича 102,2 млрд. сўм миқдорда инвестиция кредити ажратилди. Унинг 18,5 фоизи саноат соҳасига, 3,9 фоизи қишлоқ ҳўжалигига, 2,6 фоизи транспорт ва коммуникация соҳасига, 6,9 фоизи қурилишга ва қолган қисми иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

2013 йил якуни бўйича банк кредит портфелидаги инвестицион кредитлар қолдиги 2013 йил бошига нисбатан 40,5 млрд. сўмга ошиб, 177,3 млрд. сўмни ташкил этди.

ОАИТ «Ипак йўли» банки томонидан халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг кредит линияларини жалб этиш борасида ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, ўтган вақт мобайнида банк томонидан Германиянинг КФВ ва Ландес банклари, Хусусий секторни ривожлантириш Ислон корпорацияси ва бошқаларнинг умумий миқдори 52,4 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредит линиялари жалб қилинган. Ушбу маблағлар ҳисобидан республикамизнинг турли худудларида жойлашган корхоналарнинг 134 дан ортиқ лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, Хусусий секторни ривожлантириш Ислон корпорациясининг кредит линияси ҳисобидан 2010-2013 йиллар давомида 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 25 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. 2012-2013 йилларда эса КФВ банки кредит линиясидан умумий ҳисобда 6,1 млн. еврога 31 та лойиҳа ва Ландес Банк Берлин кредит линияси ҳисобидан 4 та лойиҳа умумий ҳисобда 5,9 млн. еврога молиялаштирилди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда баҳмал сочикларни ишлаб чиқараётган «Aisha Home Textile» қўшма корхонаси ОАИТ «Ипак йўли»нинг Наманган филиалидаги миқозлардан биридир. Корхонага янги технология ускуна сотиб олиш учун, КФВ немис банки кредит линиясидан 500 000 евро миқдорида кредит ажратилди. Кредит ажратмаси доирасида баҳмал сочикларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Италиянинг Itema Silver DT русумли замонавий рапирли тўқимачилик дастгоҳ-



лари сотиб олинди. Шунинг билан ўтиш жоизки, қўшма корхонанинг маҳсулотларига нафақат ўзимизда, балки чет эл бозорларида ҳам талаб катта. Чунинчи, 2013 йилда корхона томонидан Россия Федерациясига 397 811,20 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинган. Ушбу корхонада маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт ва 20 фоизи ички бозор учун чиқарилади. Лойиҳа доирасида 20 та иш ўринлари яратилиб, ҳозирги кунда корхонада 100 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди.

— Муҳтарам Юртбошимиз бошчиликларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис биз ҳам яратилган имконияتلардан фойдаланган ҳолда ушбу муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшишга қарор қилдик. Бинобарин, мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларини изчил ривожлантириш мақсадида хориж сармояларини жалб қилиш учун энг мақбул шарт-шароитлар яратилганлиги сабабли биз ҳам хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона тузишга қарор қилдик. Яъни, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида шу корхонани очган эдик, чунки айнан шундай маҳсулот тури ҳар доим нафақат ички бозорда, балки чет элда ҳам катта талабга эга, — дейди «Aisha Home Textile» қўшма корхонаси раҳбари Ислон Дадабоев.

Яқин келажакда ушбу корхона томонидан маҳсулот турлари ва иш фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган. Бу эса янги иш ўринларини яратишга имкон беради. Бу режаларни Ислон Дадабоев ОАИТ «Ипак йўли»нинг кредит ажратмалари ёрдамида амалга оширишмоқчилигини, ҳозирги кунда мазкур лойиҳа бўйича музокаралар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Даврон НУРМАТОВ

(Давоми 4-бетда)

